

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019. Tar.78.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАЕВ ОЙБЕК АХМЕД ЎГЛИ

**СУРХОН ВОҲАСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ
ЖАРАЁНЛАР (1925-1941 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертация доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Исаев Ойбек Ахмед ўғли

Сурхон воҳазидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар
(1925-1941 йй).....3

Исаев Ойбек Ахмед угли

Социально-экономические и культурные процессы в Сурханском
оазисе (1925-1941 гг.).....23

Isaev Oybek Akhmed ughli

Social-economic and cultural processes in the Surkhan oasis (1925-1941
years).....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications46

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D. 03/30.12.2019. Таr.78.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАЕВ ОЙБЕК АХМЕД ЎГЛИ

**СУРХОН ВОҲАСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ
ЖАРАЁНЛАР (1925-1941 йй)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Tar536 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tersu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шадманова Санавар Базарбаевна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хаитов Шадмон Ахмадович
тарих фанлари доктори

Ражабов Қахрамон Кенжаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/30.12.2019. Таг.78.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» 12 кунли соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. ТерДУ, 2-бино 4-қават, Мажлислар зали). Тел.: (99876) 223-13-11; e-mail: termizdu@umail.uz

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй). Тел/факс: 03762217690

Диссертация автореферати 2020 йил «22» декабрь кунли тарқатилди.
(2020 йил « » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси билан).



С.Н. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Т.Р. Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

Ш.Б. Шайдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги глобаллашув даврида иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқликда ўсиб бормоқда. Иқтисодий жиҳатдан ривожланиш ижтимоий ва маданий ҳаётга ўзининг таъсирини сезиларли даражада кўрсатди. Шу билан биргаликда, дунё мамлакатлари аҳолисининг ижтимоий ҳолати ва маданий анъаналарини кучайтиришга урғу берилди. Мазкур ишларнинг самараси сифатида инсониятнинг иқтисодий ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлаётганини кузатиш мумкин.

Дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказларида тарихда содир бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнларни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу илмий ишлар айрим ҳолларда мазкур уч соҳани биргаликда камраб олган ҳолда таҳлил этиш билан боғланади. Сўнгги йилларда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ўзгаришларни бир-биридан алоҳида ўрганиб, тадқиқот сўнгида уларни ўзаро таққослаш услуги кенг ривож топди.

Бугунги кундаги ислоҳотлар моҳиятини англаш учун босиб ўтилган тарихий тараққиёт йўлини чуқур тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, совет даврида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, 1925-1941 йиллар тарихини ўрганиш орқали ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларда амалга оширилган ўзгаришлар, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини бугунги кун нуқтаи-назаридан талқин этиш зарур. Бундан ташқари, мазкур давр айниқса Сурхон воҳаси учун ачинарли ва оғир кечганлигини янги манбалар ва совет даврида яратилган асарларни танқидий асосда ўрганиш мавзунинг нақадар долзарб эканлигидан далолат беради. Президент Ш. Мирзиёевнинг «...Сурхондарё вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти, муҳим географик ўрни, табиий имкониятлари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга»¹, – деган фикрлари худуднинг яқин ўтмишдаги тарихининг холис талқинидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида» ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 ноябрдаги 382-сонли «Сурхондарё вилоятида деҳқон хўжаликларининг имкониятларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 ноябрдаги шунингдек, мазкур йўналишга тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 279.

вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзуга оид тадқиқотларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) Совет даври нашрлари; 2) Мустақиллик йилларидаги тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳга доир адабиётларни совет ҳокимияти йилларида яратилган тадқиқотлар ташкил этиб, уларда қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш², иқтисодий жараёнлар³ ҳамда аҳолининг миллий таркиби⁴ тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топган. Бундан ташқари, ушбу нашрларда таълим тизими⁵, маданий ҳаёт⁶, хотин-қизларни меҳнатга жалб

² Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода Советского государства к НЭПу. – Т.: Наука, 1965; Шу муаллиф. Аграрные преобразования в Узбекистане накануне сплошной коллективизации (1925-1929 гг.). – Т.: Фан, 1969; Шу муаллиф. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг аграр сиёсати ва уни сохталаштирувчилар. – Т.: Ўзбекистон, 1972; Ленинча кооператив планинг тантанаси. – Т.: Фан, 1974; Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929-1932 гг.). – Т.: Фан, 1977; Қишлоғимиз тонги (Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ветеранларининг хотиралари) – Т.: Ўзбекистон, 1979; Победа колхозного строя в Узбекистане (1933-1941 гг.). – Т.: Фан, 1981; История развития хлопководства в Узбекистане. – Т.: Фан, 1983; Колхозное крестьянство Узбекистана на пути к развитому социализму. – Т.: Узбекистан, 1966; Зиядуллаев С.К. Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы Советской власти. – Т.: Узбекистан, 1974; Давыдов А.М. Аграрные преобразования и формирование социалистического землепользования в Узбекской ССР. – Т.: Наука, 1965; Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Узбекистане (1925-1929 гг.). Автореферат диссертации, представленной на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Москва., 1970; Хайдарова Ф. Х Деятельность Коммунистической партии Узбекистана по созданию и укреплению материально-технической базы колхозов в период строительства социалистического общества (1925-июнь 1941 гг.). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Т., 1986.

³ Ульмасбаев Ш.Н. Промышленное развитие советского Узбекистана. – Т.: Узбекской ССР, 1958; Аминов А.М. Вопросы истории народного хозяйства Узбекистана. – Т.: Фан, 1965; Экономическая история Советского Узбекистана (1917-1965 гг.). – Т.: Фан, 1966; Давыдов А.М. Земельный фонд Узбекской ССР и его использование. – Т.: Фан, 1971.

⁴ Мулладжанов И.Р. Народонаселение Узбекской ССР (социально-экономический очерк) – Т.: Узбекистан, 1967.

⁵ Очилов М. Ўзбекистон комсомолининг умумий мажбурий таълим учун кураши (1930-1941 йй.). – Т.: Ўздавнашр, 1958; Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры советского Узбекистана. – Москва: Академия, 1955; Ражапов С. Ўзбекистон совет мактабига доир. – Т., 1957; Кадыров. И.К. Успехи народного образования в Узбекской ССР за 40 лет. – Т., 1957; Шарафиддинов Р. Школьное образование в Узбекской ССР (1917-1955 гг.). – Т., 1961; Афанасьев А.М. Народное образование в Узбекистане. – Т.: УзССР, 1962; Орипов Ф. Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш. – Т.: Ўқитувчи, 1967; Иноятов Н.Ш. В.И. Ленин ва Ўзбекистонда олий таълим ҳамда фаннинг ривожланиши. – Т., 1969; Шукурова Х.С. Социализм и женщина Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1970; Игамбердыев Х. Развитие культуры в Узбекской ССР в годы социалистического строительства (1925-1941 гг.) (по материалам Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областей). Автореферат канд. ист наук. – Т., 1969; Иргашев М. Создание и развитие системы среднего специального образования в Узбекистане (1917-1937гг.). Автореферат канд. ист наук. – Т., 1974; Хабилова С.К. Ўзбекистон мактабларида политехника таълими тарихидан. – Т.: Ўқитувчи, 1974; Абдуллаева Ф. Ўзбекистонда хотин-қизлар таълимнинг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 1968; Кадыров И.К. Очерки общеобразовательной школы советского Узбекистана. – Т.: Уқитувчи, 1974; Аъзамова Р. Совет Ўзбекистонидида халқ маорифининг равнақи. – Т.: Ўзбекистон, 1976; Рахмонов Н. Развитие педагогического образования в Узбекистане. – Т.: Узбекистан, 1976; Шарипов Ф. Народное образование в Узбекистане. – Т.: Узбекистан, 1977.

⁶ Мирзаев З., Эгамбердыев Х. Культурное развитие Сурхандарьи за годы советской власти. – Термиз, 1967.

қилиш⁷ ва соғлиқни сақлаш соҳаси⁸ ҳақидаги маълумотлар батафсил ёритилган.

Иккинчи гуруҳдаги адабиётларга мустақиллик йилларидаги тадқиқотлар кириб, мавзуга оид бир қатор мақола, рисола ва адабиётлар нашр этилган. Бу даврда Совет даври тарихини ўрганишга нисбатан чуқур мулоҳаза билан ҳолисона фикр юритиш имконияти вужудга келди. Бу даврда ўрганилаётган муаммони миллий давлатчилик нуқтаи назаридан ёритиш, ҳолис тадқиқ этишни мақсад қилиб қўйган қатор салмоқли илмий ишлар яратилди⁹. Хусусан, 1925-1941 йилларда воҳада урбанизация жараёнлари¹⁰, қишлоқ хўжалиги ва жамоатлаштириш¹¹ каби масалалар атрофлича ёритилди. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида Сурхон воҳасининг қадимги даврдан то ҳозирги кунгача бўлган тарихининг айрим жиҳатларини ўрганишга бағишланган қатор монографиялар нашр қилинди¹².

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Термиз давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-002 рақамли «Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари» мавзусидаги илмий лойиҳа (2017-2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1925-1941 йилларда Сурхон воҳасида рўй берган иқтисодий-ижтимоий ва маданий жараёнлар таҳлили асосида ҳудуддаги зиддиятли ўзгаришлар моҳияти ва оқибатларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: 1925-1941 йилларда Сурхон воҳаси ижтимоий-иқтисодий маданий жараёнлар мазмун-моҳиятини таҳлил қилиб, унинг назарий асосларини таҳлил этиш;

⁷ Адҳам Раҳмат. Кураш йиллари. – Т.: Ёш гвардия, 1962.

⁸ Соатов Р.С. Ўзбекистонда халқ соғлиғи ишларининг ривожланиши. – Т.: Ўздавнашр, 1958.

⁹ Ўзбекистоннинг янги тарихи Иккинчи китоб Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000; Туркестан в начале XX века к истории истоков национальной независимости. – Т., Шарқ, 2000; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. – Т.: Шарқ, 2000; Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Т.: Шарқ, 2001.

¹⁰ Шадманова С.Б. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). – Т.: Адабиёт учкунлари, 2015; Мўминова Г. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917-1991 йиллар). – Т.: Yangi nashr, 2015.

¹¹ Турсунов С., Қобулов Э ва бошқ. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004; Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: Жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. – Т.: Шарқ, 2003; Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Том I. – Т.: Шарқ, 2006; Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Том II. – Т.: Шарқ, 2006.

¹² Мирзаев З., Қобулов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи. – Термиз: Жайхун, 1996; Қобулов Э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. – Термиз, 1993; Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001; Азимов М. Термиз тарихи (Энг қадимги даврдан XXI аср бошигача). – Қарши.: Насаф, 2001; Турсунов С., Тўхтаев А. Жарқўрғон – Т.: Фан, 2008; Турсунов С., Турдиев Т. Денов. – Т.: Фан, 2009; Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Т.: Академнашр, 2011; Турсунов С., Турсунов А. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. – Т.: Янги нашр, 2014; Турсунов С., Эшбоев Қ. Шўрчи тарихидан лавҳалар. – Т.: Фан, 2014; Ботиров И.Т. Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи тарихи. – Т.: Фан, 2011; Исмоилов Н. Денов таронаси. – Т.: Наврўз, 1995.

воҳада қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсатини амалга ошириш усуллари ҳамда унинг фожеали оқибатларини кўрсатиш;

Сурхон воҳаси саноат соҳасида амалга оширилган ўзгаришлар, унинг савдо ва ҳунармандчилик ривожига таъсирини ёритиб бериш;

воҳа иқтисодийётида банкларнинг тутган ўрни, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги аҳамиятини аниқ кўрсатиб бериш;

совет ҳукуматининг соғлиқни сақлаш соҳаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги сиёсатининг туб моҳиятини очиб бериш;

воҳа аҳолисининг турмуш тарзи, ижтимоий-маданий ҳаёт ҳамда таълим соҳасидаги ўзгаришларга оид масалаларни таҳлил қилиш;

таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг амалдаги натижаларини архив манбалари асосида ёритиш;

воҳа маданий муассаларини ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад ва унинг натижа ҳамда муаммоларини таҳлил қилиш;

тадқиқот натижасида қўлга киритилган яқуний илмий хулосаларга таяниб, мустақиллик йилларида Сурхон воҳасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёт тармоқларини ривожлантиришга оид таклиф ва мулоҳазаларни баён қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1925-1941 йилларда Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи белгилаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини 1925-1941 йилларда Сурхон воҳасида қишлоқ хўжалиги, саноат ва ҳунармандчиликнинг ҳолати, молиявий муассасалар, соғлиқни сақлаш тизими, таълим ва маданият муассасалари фаолиятига доир масалалар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмийлик, тарихийлик ва ҳаққонийлик тамойилига асосланиб, тизимли, қиёсий ҳамда муаммовий-даврий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

совет ҳукуматининг хусусий мулкчиликни йўқотиб, саноат ва қишлоқ хўжалигини «советлаштириш» жараёнида юз берган трансформациялар натижасида аҳоли ижтимоий ҳаётига кўрсатган сезиларли таъсир, хусусан республиканинг бошқа ҳудудларидан аҳоли ва мутахассисларнинг кўчириб келтирилиши Сурхон воҳаси аҳолиси миллий таркибида ўзгаришлар бўлганлиги очиб берилган;

ҳудуднинг савдо-саноати ривожланган шаҳарлардан анча узоқда жойлашганлиги ва транспорт етишмовчилиги оқибатида Сурхон воҳасида аҳолининг кундалик эҳтиёж молларига бўлган талаби асосан ҳунармандчилик артеллари ҳисобидан қондирилганлиги исботланган;

совет даврида воҳада замонавий шифохоналар очилиб, тиббий хизмат йўлга қўйилганига қарамасдан, айрим объектив, субъектив омиллар (тиббийёт ходимлари сонининг камлиги, маҳаллий тилни билмаслиги ва аҳолининг замонавий тиббийётдан кўра анъанавий табобатга ишончи юқорилиги,

халкнинг молиявий ночорлиги ва б.лар) сабабли воҳа аҳолиси аксарият ҳолларда халқ табобатидан фойдаланишни давом эттирганлиги аниқланган;

ташкил этилган маданий муассасалар (клуб, «қизил чойхона», театр, музей, агитпункт, кутубхона ва б.лар) асосий эътиборни ўлканинг диний ва маънавий соҳадаги «инқироз»ини кўрсатиб беришга қаратгани ҳолда, янги жамиятнинг «афзалликларини» тарғиб этишни мақсад қилиб қўйганлиги очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқотда Сурхон воҳасининг 1925-1941 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларга доир қабул қилинган декретлар, қарорлар йўриқномалар, низомлар ҳамда қурултой конференцияларининг ҳужжатлари архив маълумотлари асосида таҳлил қилинди;

Сурхон воҳаси тарихига доир архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари ва оғзаки тарих маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш асосида ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тарихини ўрганишнинг назарий концептуал асослари кўрсатиб берилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих фани соҳасидаги назарий ёндашувлар ва усулларнинг қўлланилганлиги кўп турдаги бирламчи манбалар, архив ҳужжатларига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий натижаларидан кўп жилдли «Ўзбекистон тарихи» нинг 1925-1941 йиллардаги тарихини ёритишда, мазкур даврга оид ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратишда, олий ўқув юртларида махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти мустабид тузумни шакллантириш борасидаги большевиклар фаолиятининг мазмуни, узоқ йиллар давомида сир сақланиб келинаётган тарих ва унинг оқибатлари ҳақида ҳолисона хулоса чиқаришга, унинг воҳа аҳолиси ҳаёти, руҳияти ва анъанавий турмуш тарзи, асрлар давомида шаклланиб келган урф-одатлари ҳамда меҳнат фаолиятига кўрсатган таъсирини англаб етишга ёрдам беради. Тадқиқот материалларидан Ўзбекистонни иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш муаммолари билан боғлиқ монографик тадқиқотлар ва ўқув қўлланмалар яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурхон воҳасидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар (1925-1941 йй.) тарихини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Совет ҳукуматининг хусусий мулкчиликни йўқотиб, саноат ва қишлоқ хўжалигини «советлаштириш» жараёнида юз берган трансформациялар ижтимоий ҳаётга сезиларли таъсири, Сурхондарёдаги XX аср биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, маданий жараёнларда фаол қатнашганларнинг совет ҳукуматида бўлган салбий муносабатлари каби маълумотлар Термиз

давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг «Советлар ҳокимияти даври» номли бўлимини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2020 йил 7 февралдаги 22-сонли маълумотномаси). Натижада музей экспозициялари илмий маълумотлари бойитилиб, тарихий мазмуни оширилди.

XX аср ўрталарида Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида кечган жараёнлар, шу жумладан, архив ҳужжатлари ва тарихий манбалар асосида очиб берилган совет жамиятида бўлаётган ўзгаришларни аҳоли орасида тарғиб қилишда маданий муассасаларнинг ташкил этилганлиги ҳақидаги маълумотлар «O'zbekiston tarixi» телеканали «Кўхна кентлар» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилди. (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston teleradiokanali» ДУКнинг 2020 йил 7 февралдаги 02-40-298-сонли маълумотномаси). Ушбу кўрсатув томошабинларга Сурхон воҳасининг тарихида Термиз шахрининг ўзига хос хали тадқиқ этилмаган қирралари ҳақида маълумот берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 7 таси республика илмий журналларида, 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертация матнининг умумий ҳажми 138 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Шунингдек, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги баён қилиниб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар бериб ўтилган.

Диссертациянинг «Сурхон воҳасидаги иқтисодий аҳвол» деб номланган биринчи бобнинг *биринчи параграфид*а қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдаги зиддиятли жараёнлар очиб берилган.

Сурхон воҳасида совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг ҳам уезд¹³ мақомида қолган бўлиб, 1925 йилдагина округга айлантирилган. Сурхондарё округининг умумий ҳудуди 19.607 кв кмни ташкил қилган. Воҳа аҳолиси 265.000 кишидан иборат бўлиб, шундан 252.000 нафари қишлоқ ва 13.000 нафари шаҳар аҳолиси эди¹⁴.

Сурхондарё округи ташкил топганидан сўнг совет ҳукумати вакиллари дастлабки ишни қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдан бошладилар. Бу даврда округнинг умумий ер майдони 2.128.566 десятинани ташкил этган бўлса-да, шундан фақат 153.000 десятина ер деҳқончилик мақсадларида фойдаланилган. Жами ер майдонининг 45.000 десятиnasi, яъни учдан бир қисми суғориладиган, (оби) қолган қисми эса лалми ерлар ҳисобланган¹⁵.

1924-1925 йилларда Сурхондарё округида қишлоқ хўжалигини яхши йўлга қўйиш ва хўжаликларнинг иқтисодиётини тиклаш мақсадида воҳада агромарказлар ташкил қилинган. Мазкур агромарказлар хизмат қиладиган ҳудуддан анча йироқда жойлашганлиги деҳқончиликда иш унумига салбий таъсир қилган. Бошқа томондан, агромарказлар боғлар, шахсий томорқалар ва полиз майдонлари, чорвачиликни агротехник жиҳатдан ривожлантиришга уринган ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналари ижараси ва буғдой тозалаш пунктлари фаолиятини йўлга қўйганлар¹⁶. Бу мазкур жараённинг ижобий ютуғи сифатида қаралган.

ЎзССРда «Ер-сув ислоҳоти ҳақида»ги декретларга асосланган ҳолда 1925 йилда ер-сув ислоҳоти ўтказила бошланди¹⁷. Сурхондарё округида ҳам зудлик билан ер-сув ислоҳотини олиб бориш талаб қилинди¹⁸. «Қўшчи» иттифоқи яқка деҳқон хўжалигининг оммавий равишда жамоа хўжалигига ўтишининг дастлабки босқичи эди¹⁹. Округда 1928-1929 йилларда олиб борилган ер-сув ислоҳоти натижасида бой ва уламоларнинг 531 та хўжалиги тугатилди. Дастлабки даврда ташкил қилинган жамоа хўжаликларининг маҳаллий аҳолидан олган иш қуроллари талабга жавоб бермаганлиги сабабли туманларда мавжуд иш қуроллари рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация) жорий қилинди²⁰.

1930 йилга келиб Сурхондарё округида ёппасига жамоалаштириш сиёсати авж олди. Чунки, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1928 йил 7 август куни қабул қилинган қарорида республиканинг турли туманларида совхозлар* ташкил этиш вазифаси қўйилган ҳамда шу йилнинг

¹³ Уезд – районлаштиришдан илгари СССРда маъмурий-ҳудудий бўлинишлардан бири. – Т.: Узбекская советская энциклопедия, 1984. – С. 624.

¹⁴ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 2393-иш, 30-варақ.

¹⁵ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 2393-иш, 29 -варақ.

¹⁶ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 3272-иш, 101-варақ.

¹⁷ Ленин байроғи. – 1967. – 20 декабрь.

¹⁸ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 4040-иш, 51 варақ.

¹⁹ Сурхондарё вилояти давлат архиви, 91-жамғарма, 1-рўйхат, 72-иш, 2-варақ.

²⁰ Сурхондарё вилояти давлат архиви, 91-жамғарма, 1-рўйхат, 48-иш, 221-варақ.

* Совхоз – совет хўжалиги, социалистик типдаги йирик давлат қишлоқ хўжалик корхонаси. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: Русский язык, 1981. – Б. 64.

ўзида Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё округларида совхозлар тузилиши кўзда тутилган²¹.

Манбалар ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, 1930-1934 йилларда қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар натижасида пахта, буғдой, пилла ва полиз маҳсулотларини етиштириш кўпайган.

Мазкур бобнинг *иккинчи параграфида* 1925-1941 йилларда Сурхон воҳасида хунармандчилик, саноат қурилиш ва савдонинг аҳволи тўғрисидаги масалалар таҳлил қилинган. Тадқиқ қилинган йилларда амалга оширилган саноатлаштириш сиёсати совет ҳукумати мустамлакачилик сиёсатининг таркибий ва ажралмас қисми эди. Ўша даврда совет давлати манфаатлари Ўзбекистонда саноатни ривожлантиришни тақозо этаётган эди.

Сурхон воҳасида республикаларнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби хунармандлар артелларга бириктирилди. Воҳада дастлаб маиший хизмат кўрсатиш ва тикувчиликка ихтисослашган хунармандчилик артеллари барпо этила бошланган. 1926 йилнинг 5 апрелида «Кожевник» ҳамда «Хуршид» номли кўнчилик, 12 апрелда «Красные женщины Востока», 27 апрелда «Ленин», 11 майда «Красный строитель» номли²² хунармандчилик артеллари ташкил этилиб, ўз иш фаолиятини бошлади. Натижада хунармандчилик артеллари ҳудуддаги асосий ишлаб чиқариш тармоғига айланиб қолди ва бу ҳолат 1930 йилларнинг охирида ҳам давом этаётган эди²³. Хунармандчилик артелларида косиблар тайёрлаш ишларини йўлга қўйишнинг аниқ режалари ишлаб чиқилди. Ёш ўқувчи-хунарманд косибларга вақт берилиши ва иш жараёнида гувоҳнома бериб иш билан таъминланиши назорат остига олинди²⁴. Мавжуд хунармандчилик артелларига ўқувчилар 18-20 ёшдан қабул қилиниши, шаҳар ва қишлоқлардаги 17-18 ёшли ишсиз ўсмирлар хунармандчилик ва косибчиликни ўрганиши мумкин бўлган.

Саноатни ривожлантириш йўлидаги дастлабки тадбирларда асосан ҳудуддаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш кўзда тутилган бўлиб, тоғда ўсадиган мевали дарахтлар, хусусан pista дарахтлари ҳам эътибордан четда қолдирилмаган²⁵. Кўҳитанг тоғ тизмасида нефть саноатини ва Боботоғда pistaчиликни йўлга қўйиш, Бойсун тоғларида кўмир конлари борлиги аниқланганлиги сабабли келажакда ушбу ҳудудларда оғир ва енгил саноатни ривожлантириш режалаштирилган эди. Натижада 1929-1941 йиллар орасида Термизда ғишт заводи, гўшт комбинати, нон комбинати, ёғ заводлари, Денов шаҳрида моторремонт ва виночилик заводлари, «Ховдак» ва «Какайди» нефть конлари ишга туширилди²⁶.

Бундан ташқари, Сурхондарё округи савдо агентлиги орқали тоғли ҳудудлар аҳолисидан pista, ёввойи хайвон териси ва мўйналарини сотиб

²¹ Истикболли йўлдан. Ленин орденли “Ҳазарбоғ” совхози 60 йиллик юбилейига бағишланган эсдалик китобча. – Денов, 1990.

²² Сурхондарё вилояти давлат архиви, 261-жағарма, 1-рўйхат, 38-иш, 17-варақ.

²³ Жарқўрғон туман давлат архиви, 20-жағарма, 1-рўйхат, 102-иш, 305-варақ.

²⁴ Ўз МА, Р-86-жағарма, 1-рўйхат, 3870-иш, 151-варақ.

²⁵ Ўз МА, Р-86-жағарма, 1-рўйхат, 2393-иш, 38-варақ.

²⁶ Бичков Д., Блинников А. Сурхондарё области (қисқача справочник). – Т.: Ўзбекистон, 1970. – Б. 9.

олишни жорий қилинди. Тери маҳсулотлари савдоси учун 4 минг рубль маблағ ажратилган эди²⁷. Воҳада тоғ жинсларини ўрганиш ишлари йўлга қўйилди, туз конларининг ишга туширилиши ва унинг савдосини таъминлашга эътибор қаратилди²⁸.

Сурхон воҳаси ЎзССРнинг савдо-саноати ривожланган шаҳарларидан анча узоқда жойлашганлиги, воҳадаги йўлларнинг ҳолати яхши эмаслиги ва таъмирга муҳтож бўлганлиги сабабли товарлар олиб келиш харажатларининг ошиб кетишига олиб келган. Шунга қарамадан, «Ўзбексавдо», «Нефтсиндикат», «Қишлоқ хўжалик омбори», «Ўрта Осиё дон» ва «Термиз тумани истеъмолчилар кооперативи» сингари давлат савдо хўжалик ташкилотлари Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларидан воҳага саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келган²⁹.

Ушбу бобнинг *учинчи параграфида* Сурхон воҳасида банклар фаолияти ҳамда уларнинг ҳудуд иқтисодиётида тутган ўрни таҳлил қилинган. 1920-йилларда Сурхон воҳасида ҳам иқтисодиёт тармоғининг муҳим қисми ҳисобланган банклар ташкил қилина бошланди.

1926 йил 1 декабрда «Қишлоқ хўжалик банки» ташкил этилди³⁰. «Қишлоқ хўжалик банки» пул маблағини «мақсадли кредит» деб номлаб, аниқ режа асосида иш олиб боришга қарор қилди³¹. Ушбу банк келажақда ажратилаётган маблағни бемалол қайтариб олишга ишонч ҳосил қилганидан кейингина аҳолига кредит бера бошлади. Дастлабки даврда воҳада ташкил қилинган банклар ўзларининг маблағларига деярли эгалик қила олмас, барча ишларни марказдан сўрашга мажбур эди³².

Азалдан воҳа маҳаллий аҳолисининг асосий машғулоти чорвачилиқдан иборат бўлганлиги боис, деҳқончилик билан кам шуғулланган. Ҳудудда, асосан, боғдорчилик ва полиз экинлари экилиб, пахтачилик асосий экин турларидан бўлмаган. 1925 йилда Сурхон воҳаси деҳқонларига пахта хом ашёсини етиштиришлари учун ҳукумат томонидан маблағ бериш керак, деган қарор қабул қилинди. Бунда пахта етиштириш учун деҳқонларнинг маблағлари етишмаслиги эътиборга олиниб, уларни қисқа муддатли кредит билан таъминлаш ва шу йўл билан пахтачилик соҳасини ривожлантириш кўзда тутилди³³. Деҳқонларга асосан асбоб-ускуналар олишлари, ишчи қорамоллар ва уруғлик дон олишлари учун кредит маблағи ажратилган³⁴.

1936 йилда колхозларга узоқ муддатли кредит ажратиш ишлари йўлга қўйилди. Масалан, «Қишлоқ хўжалик банки» томонидан Жарқўрғон тумани тасарруфида бўлган бир неча колхозларга 382 534 рубль кредит ажратилди³⁵.

²⁷ Сурхондарё вилояти давлат архиви, 91-жамғарма, 1-рўйхат, 40-иш, 60-варақ.

²⁸ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 3272-иш, 45-варақ.

²⁹ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 2393-иш, 31-варақ.

³⁰ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 3272-иш, 118-варақ.

³¹ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 3272-иш, 121-варақ.

³² Ўз МА, Р-95-жамғарма, 1-рўйхат, 1095-иш, 32-варақ.

³³ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 2323-иш, 57-варақ.

³⁴ Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской области Узбекистана советского периода (1917-1932 гг.). – Т.: Фан, 1968. – С. 148.

³⁵ Жарқўрғон туман давлат архиви, 20-жамғарма, 1-рўйхат, 102-иш, 97-варақ.

Бундан ташқари, банк томонидан колхозларнинг маданий-маърифий ишлари учун умумий ҳажмда кўшимча тарзда 7050 рубль маблағ ажратилди³⁶.

Совет ҳукумати кредитни тақсимлашда фақат деҳқончилик билан чекланиб қолмасдан, ўз даври учун йирик даромад берадиган бошқа соҳаларга ҳам пул маблағини ажратишга ҳаракат қилганини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Хусусан, воҳадаги савдо ва саноат тизими, ҳунармандчилик артеллари ва чорвадорлар уюшмаларига ҳам кредитлар ажратилган³⁷.

Сурхон воҳасининг оғир саноатдаги ишлари ҳам банклар эътиборидан четда қолмади. Жумладан, тоғли ҳудудлардаги тоғ жинслари – туз, кўмир, рангли металллар борлиги аниқланиб, истиқболдаги ишлар шуларга қаратилиши режалаштириб олинган³⁸. Шу мақсадда Шеробод ва Бойсун тоғларида туз, кўмир ва рангли металллар қазий йўлга қўйилди, келадиган фойдага қараб мақсадли кредитлар ажратиш белгиланди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, банк кредитлар ҳажм жиҳатидан кам бўлиб, маблағлар, асосан, янги ташкил этилган колхозларга ажратилди. Аммо, қишлоқ хўжалигидан ташқари бошқа соҳаларга ҳам, кам миқдорда бўлса-да, маблағлар ажратилди. Хусусан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, ҳунармандчилик, қурилиш соҳалари кредит маблағлари билан таъминланди. Оқругдаги банклар фаолиятида ҳар бир иш ҳукуматнинг қаттиқ назорати остида қилинса-да, маблағларни ноқонуний ўзлаштириш ҳоллари ҳам учраб турганлиги ҳужжатларда акс этган. Шуни таъкидлаш жоизки, банклар томонидан ажратилган маблағлар қишлоқ хўжалигини яна қайта тиклаш мақсадида берилган. Халқнинг моддий ва маънавий аҳволи эса деярли ҳисобга олинмаган.

«Воҳадаги ижтимоий ўзгаришлар» номли иккинчи бобнинг *биринчи параграфида* 1925-1941 йилларда ҳудуддаги соғлиқни сақлаш тизими ва ундаги муаммолар хронологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Дастлабки даврда воҳада тиббий хизматнинг йўлга қўйилиши маҳаллий аҳолининг соғлиғини сақлаш учун эмас, балки кўпроқ бу ерда иш олиб борган европаликлар ҳамда ҳарбийлар саломатлигини назорат қилиш учун йўлга қўйилган эди. Сурхон воҳасидаги биринчи касалхона 10 ўринли бўлиб, 1924 йил май ойида ташкил топган. Соғлиқни сақлаш бўлимида 1925-1926 йилларда бор-йўғи 7 киши фаолият юритган эди³⁹. Булар – соғлиқни сақлаш бўлими мудирлари, даволовчи бўлими мудирлари, судмедэкспертиза ходими, иш юритувчи, ҳисобчи, санитар шифокор, идора хизматчисидан иборат эди.

Оқру соғлиқни сақлаш бўлими тасарруфида 4 та тиббий пункт бўлиб, унда 2 та врач ва 4 нафар фельдшер иш олиб борган⁴⁰. Шу сабабли, воҳа аҳолисини замонавий тиббиёт ютуқларидан хабардор қилиш ишлари маҳаллий табиблар билан ҳамкорликда олиб борилган. Бу тадбирлар кўпроқ

³⁶ Жарқўрғон туман давлат архиви, 20-жамғарма, 1-рўйхат, 102-иш, 164-варақ.

³⁷ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 2393-иш, 32-варақ.

³⁸ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 2393-иш, 32-варақ.

³⁹ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 2393-иш, 99-варақ.

⁴⁰ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 2323-иш, 32-варақ.

аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда амалга оширилган⁴¹. Чунки, аҳоли маҳаллий анъанавий тиббиёт вакиллариغا кўпроқ ишонч билан қараган.

1926 йилда ЎзССР Халқ Коммисариатининг соғлиқни сақлаш бўлими барча касалликларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганган санитар врачларни округлар бўйича даволаш масканларига юборишни режалаштирган. Мазкур гуруҳларга 2 нафар врач, 2 нафар тиббиёт ўқув юрти талабаси ва 2 та санитар таржимон бириктирилган эди⁴². Улар туманларда 4 ой мобайнида врачлар билан ҳамкорликда иш олиб борганлар.

1927-1928 йилларда аҳоли ўртасида тарқалган юкумли касалликларга қарши курашиш кенг кўламда олиб борилган. 1929 йилда округ аҳолисини юкумли касалликлардан сақлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган⁴³. Унда беморларни қаттиқ режим остида махсус хона(изоляция)га жойлаштириш, уларни, асосан, махсус касалхоналар ва госпиталларнинг ажратилган ўринларига ётқизишига алоҳида эътибор қаратилган. Агарда касалликни уй шароитида даволаш имкони бўлса, бунинг учун алоҳида ҳамшира ва врачлар бириктирилиши режалаштирилган.

1939 йилда қишлоқ хўжалиги МТСлари қошида 15 ўринга мўлжалланган бир ойлик даволаш стационар бўлими ташкил этилди⁴⁴. Мазкур стационар бўлим эпидемияга қарши курашиш учун мўлжалланган эди. 1940 йилнинг август ойига келиб, Жарқўрғон туманида безгак касаллигига қарши курашувчи тропик станция ташкил қилинди⁴⁵.

Тадқиқ қилинган йилларда соғлиқни сақлаш ходимлари қишлоқ аҳолисини даладаги иш фаолияти давомида текшириш ёки даволашга жалб қилинган. Масалан, ғалла йиғим-терими мавсумида тиббий пункт врач ҳамда ҳамширалари далага келиб, шу ерда аҳолини тиббий кўрикдан ўтказганлар⁴⁶.

Сурхондарё округи касалхоналарида шифокорлар бўлса-да, уларда етарлича малака йўқ эди. Чунки, бўлажак врачлар ўқиш даври тугаши билан воҳага ишга сафарбар қилинганлар⁴⁷. Шу сабабли 1930 йилларда Самарқанд тиббиёт институтидан профессор С.П.Шиловцева, П.И.Сушевской, И.Я.Чураева ва А.Н.Ивановалар Сурхондарё округи тиббиёт ходимларига маслаҳат ва тиббий кўрсатмалар бериб турганлар.

1940 йилларда ҳам тиббий ходимлар етишмаслиги ҳамда тиббий асбоб-ускуналар тақчиллиги соҳадаги асосий муаммолардан саналар эди. Масалан, 1941 йилда Шўрчи туман соғлиқни сақлаш тизимида 5 нафар врач, 1 нафар фельдшер, 7 нафар ҳамшира, 6 нафар акушерка, бир нафар тиббиёт ходими фаолият олиб борди⁴⁸. Жойларга зарур бўлган пайтларда марказдан малакали тиббиёт ходимлари чақиртирилган, бироқ, маҳаллий кадрлар тайёрлашга умуман эътибор берилмаган. Марказдан келган малакали тиббиёт ходимлари

⁴¹ ЎзМА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 2393-иш, 8-варак.

⁴² Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 3803-иш, 175-варак.

⁴³ Сурхондарё вилояти давлат архиви, 89-жамғарма, 1-рўйхат, 114-иш, 277-варак.

⁴⁴ Жарқўрғон туман давлат архиви, 20-жамғарма, 1-рўйхат, 32-иш, 36-варак.

⁴⁵ Сурхондарё вилояти давлат архиви, 77-жамғарма, 2-рўйхат, 174-иш, 87-варак.

⁴⁶ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 10-рўйхат 484-иш, 195-варак.

⁴⁷ Правда Востока. – 1936. – 23 март.

⁴⁸ Сурхондарё вилояти давлат архиви, 77-жамғарма, 2-рўйхат, 20-иш, 11-варак.

маълум муддат ишлаб, шароит йўқлиги туфайли яна кетиб қолар эдилар. Шу сабабли 1941 йилида вилоятдаги барча қишлоқларнинг фақат 27 тасида қишлоқ врачлик пункти ташкил қилинган бўлиб, уларнинг 12 тасида ўрта тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишар эди.

Мазкур бобнинг *иккинчи параграфида* Сурхон воҳасидаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар натижасида аҳоли турмуш тарзида юзага келган ўзгаришлар ҳамда муаммолар очиб берилган.

Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар тарихини ўрганишда маҳаллий аҳоли турмуш тарзидаги ўзгаришлар ҳамда муаммоларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу ҳолат жамият ривожини даражасини кўрсатиб берувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Шуни қайд этиш лозимки, тадқиқ қилинган йилларда Сурхон воҳаси аҳоли турмуши ва ҳаётида қатор ўзгаришлар содир бўлган. Энг аввало, Ўзбекистонда совет маданий қурилиш сиёсати даврида жамиятнинг ижтимоий тузилишида барча қатламларни «бирхиллаштириш» йўлидан борилди. Бундан келиб чиқиб, мулкчиликнинг хилма-хил шаклларига барҳам бериш, мулкий жиҳатдан тенглаштириш барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаб бериши кўзда тутилди. Амалда эса, умуман, «тенглик» аҳоли барча қатламлари эҳтиёжларининг бир хиллигини, ўхшашлигини ва уларнинг манфаатларини бутунлай мослаштиришни билдирар эди⁴⁹. Бир хилликка интилиш меҳнат, турмуш, дам олишни ташкил этиш шакллари ва турларини қисқартиришга, маданият ва маънавий ҳаётдаги фикрлар хилма-хиллигини бўғишга сабаб бўлди.

Ўрганилаётган йилларда аҳоли турмуш тарзида айрим ижобий ўзгаришлар ҳам содир бўлган. Жумладан, воҳада ташкил қилинган жамоа хўжалиқларининг тиббий пунктларини дори-дармон билан таъминлаш мақсадида дорихоналар ташкил қилинган⁵⁰. Шунингдек, воҳадаги мавжуд касалхоналарда иситиш тизимини йўлга қўйиш учун махсус кўрсатма берилган⁵¹.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида маълум ўзгаришлар рўй берди – таълим масканлари, тиббий муассасалар, дам олиш масканларининг пайдо бўлиши, маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришлар турмуш тарзидаги маълум янгиланишларга сабаб бўлди. Хонадонлар, корхоналар ва муассасаларни электр энергияси билан таъминлаш ишлари, асосан, шахарлар ҳудудида бўлса-да, олиб борилди.

Режалаштириш сиёсати иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасига таъсир ўтказганлигини қишлоқ хўжалиги мисолида кўриш мумкин. Жумладан, колхозларга йиллик маҳсулот топшириш режаси юклатилган бўлиб, уни бажармаган туман ёки колхозларнинг мажбурияти аҳоли зиммасига

⁴⁹ Ўзбекистоннинг янги тарихи иккинчи китоб Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 372-373.

⁵⁰ Сурхондарё вилояти давлат архиви, 91-жамғарма, 1-рўйхат, 113-иш, 52-варак.

⁵¹ Сурхондарё вилояти давлат архиви, 89-жамғарма, 1-рўйхат, 129-иш, 16-варак.

юклатилди. Шундай ҳолат Шеробод тумани «Пошхўрд» кишлоқ кенгаши аҳолиси билан рўй берган. Жамоа беш йиллик режадаги сариёғ, гўшт, жун топшириш мажбуриятини бажара олмаганлиги сабабли даврий матбуотда танқидга учраган эди⁵².

Сурхондарё воҳасида бу даврда аҳолининг кундалик эҳтиёж молларига бўлган талаби хунармандлар томонидан қондирилган. Хунармандчилик артеллари деҳқончилик асбоблари, совун, туз, гугурт, мой, кулолчилик, гиламдўзлик, тўқувчилик, тикувчилик, темирчилик буюмлари, кондитер маҳсулотлари, пойафзаллар, кўрпа, кигиз ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳолига маиший ва транспорт хизматлари кўрсатиш ишларини йўлга қўйдилар. Тадқиқ қилинган йилларда ҳам кундалик эҳтиёж молларининг асосий қисми яъни 65 % хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган. Воҳада тамаки маҳсулоти етиштирилгани сабабли ЎзССРнинг бошқа вилоятларидан олиб келинган маҳсулотларнинг 3%ини тамаки ва гугурт ташкил этар эди. Воҳа аҳолисининг қанд маҳсулотига бўлган эҳтиёжи 10%ни ташкил қилар, чунки бу ерда ёз фаслида тайёрланган табиий ширинликлар – қовунқоқи, шинни, туршак кабилар унинг ўрнини босар эди.

Сурхондарё округи маҳаллий аҳолисини мато ва газмоллар, шунингдек, кишлоқ хўжалигида ишлатилиши мумкин бўлган меҳнат куроллари ва саноат моллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди⁵³. Саноат моллари, асосан, «Ўзбексавдо» ва «Бухоросавдо» ташкилотлари томонидан олиб келинар эди⁵⁴. 1936 йилнинг апрелига келиб, Термиз ва бошқа туманлардаги хунармандчилик артеллари ягона марказга бирлаштирилди ҳамда Сурхондарё округи кўп тармоқли хунармандчилик иттифоқи номи остида қайтадан ташкил қилинди.

«Сурхон воҳасида маданий ҳаёт: ютуқлар ва муаммолар» номли учинчи бобнинг *биринчи параграфида* 1925-1941 йилларда худуддаги таълим соҳасидаги зиддиятли ўзгаришлар тўғрисидаги масалалар таҳлил қилинган.

Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки даврда воҳада жами 6 та мактаб фаолият олиб борган⁵⁵. Ўша йилларда анъанавий мактаблар ҳам ўз фаолиятини давом эттирган ва уларда 1000 кишига яқин маҳаллий халқ фарзандлари таълим олган. 1925 йилда аста-секинлик билан совет мактаблари сони ўсиб борди. Қисқа вақт ичида янги мактаблар сони 10 тага етиб, ундаги ўқувчилар сони 597 кишини ташкил этган. Шулардан 260 таси маҳаллий миллат вакилларидан иборат эди⁵⁶.

1927 йилда ЎзКП МИҚ ва Халқ комиссарлари кенгаши йиғилишида барча кишлоқлар аҳолиси давлат томонидан тўлиқ мактаб таълими билан таъминланди, деб маълумот берилган⁵⁷. Бироқ, айрим туманларда мактаб қурилиши ишлари маҳаллий аҳолининг кучи, ёки бир сўз билан айтганда,

⁵² Илғор Сурхон учун. – 1938. – 3 сентябрь.

⁵³ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 3272-иш, 61-варақ.

⁵⁴ Турсунов С., Тўхтаев А. Жарқўрғон. – Т.: Фан, 2008. – Б. 75.

⁵⁵ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 2323-иш, 32-варақ.

⁵⁶ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 2323-иш, 134-варақ.

⁵⁷ Ўз МА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 3807-иш, 338-варақ.

